

10-10-2019

## INTEGRATION OF PHYSICAL AND SPIRITUAL EDUCATION SOCIAL-PEDAGOGICAL FACTORS

Отабек Абидович Тоштемиров

*Фарғона политехника институти Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ассистентлари*

Алишер Адхамжанович Аминжонов

*Фарғона политехника институти Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ассистентлари*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Тоштемиров, Отабек Абидович and Аминжонов, Алишер Адхамжанович (2019)  
"INTEGRATION OF PHYSICAL AND SPIRITUAL EDUCATION SOCIAL-PEDAGOGICAL FACTORS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 9 , Article 48.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss9/48>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## INTEGRATION OF PHYSICAL AND SPIRITUAL EDUCATION SOCIAL- PEDAGOGICAL FACTORS

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Тоштемиров Отабек Абидович, Аминжонов Алишер Адхамжанович

Фарғона политехника институти

Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ассистентлари

**Аннотация** Ушбу мақолада баркамол авлодни тарбиялашда интеграцион ёндашувнинг зарурати ва имкониятлари очиб берилган. Шунингдек, мақолада ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг интеграциясини таъминлаш йўллари кўрсатилаган.

**Таянч тушинчалар:** таълим, тарбия, баркамол авлод, интеграция, шахс, жисмоний тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, ҳаракатли ўйинлар, маънавий-ахлоқий мезон, дидактик принцип.

**Аннотация:** В этой статье излагается о необходимости комплексного подхода к обучению гармоничного поколения. В статье также описывается, как интегрировать физическое и духовно-нравственное воспитание в личности ученика.

**Опорные понятия:** образование, воспитание, гармоничное поколение, интеграция, личность, физическое воспитание, духовно-нравственное воспитание, актерские игры, мораль и этика, дидактический принцип.

**Abstract:** This article outlines the need for an integrated approach to teaching the harmonious generation. The article also describes how to integrate physical and spiritual-moral education in the personality of the student.

**Supporting concepts:** education, upbringing, harmonious generation, integration, personality, physical education, spiritual and moral education, acting, morality and ethics, didactic principle.

Жисмоний тарбия таълимининг асосий шакл ва мазмунлари жисмоний тарбия дарслари ҳамда спорт машғулотларини ташкил этади. Бу икки йўналишда қамрови кенг ва юксак мақсадларга қаратилган замонавий педагогик технологиялар мужассам. Уларнинг ҳар бирида умумий ва махсус мақсадларга қаратилган ўта масъулиятли таълим-тарбия жараёнлари интеграциялашиб (ўзаро ҳамкорлик, ўзаро боғлиқлик), соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда хизмат қилади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг асосий мақсади таълим-фан- ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишга қаратилган. Таълимнинг ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш билан узвий ҳамкорликда ривожланиши зарурлиги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг муҳим вазифаларидан бири сифатида санаб ўтилган. Шунинг учун ҳам таълимни ривожлантиришда интеграциядан унумли фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда.

Интеграция–айрим бўлакларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланишидир. “Интеграция” тушунчаси

XVIII арсдаёқ Спенсер томонидан изоҳланган эди. Биз ҳам интеграцияни тафаккур ўстириш омили сифатида қараб, уни фанлараро алоқа ҳамда таълим шакллари синтетлаш тарзида талқин этишга ҳаракат қилдик.

“Интеграция”- “бутун” деган маънони билдиради. Демак, бу тафаккур ўсиши жараёнининг турли қисми ва интеграцияни атама ва услубий нуқтаи назардан ҳодиса сифатида нима эканлигини кўриб чиқайлик. “Интеграция” сўзи латинча “integratio”- тиклаш, тўлдиришва “integar”– бутун сўздан келиб чиққан деган изоҳни келтиради [1,23].

Умумий ўрта таълим тизимидаги ўқув фанлардан бири жисмоний тарбия фани мавзуларини интеграциялашнинг илмий, педагогик асосларини ишлаб чиқиш натижасида таълим самарадорлиги ошади ҳамда ортиқча куч, зўриқиш сарфланишларининг олди олинади. Интеграция ҳақида юртимиз профессор-олимлари илмий изланишларидан ташқари чет эл олимлари ҳам ўз изланишларини олиб боришган. “Интеграция–дифференциация жараёнларидаги фанларнинг ўзаро яқинлашуви ва боғлиқлигида кўринади. Интеграция жараёни фанлараро боғлиқликнинг юқори шаклида намоён бўлади” [2, 48].

“Интеграция” тушунчаси таълим жараёнига тадбиқ этилганда иккита маънони англатади. Биринчидан, бу таълим олувчиларга бизни ўраб турган атроф-оламни бир бутунликда деб қабул қилишига эришиш (интеграция таълим мақсади сифатида майдонга чиқади); иккинчидан, фанга доир билимларни умумий жиҳатларини яқинлаштириш (интеграция таълим воситаси сифатида қаралади).

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, интеграция ўқув фанлари орасидаги тизимли боғлиқларни, фанларнинг бир-бирини тақозо этиши, тўлдириши, мукаммаллашуви учун йўл очиб беради. Интеграция таълим олувчиларнинг турли фанлар бўйича кузатишлари ва хулосаларини тасдиқлаб ёки чуқурлаштириб берувчи янги далилларни топиб бериш манбаи деб баҳолаш мумкин. Шу жиҳатдан, биз, тадқиқотимизда ёш авлод шахси шаклланишида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашга эътиборни қаратамиз.

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг жисмонан юксалишини таъминловчи бадантарбия, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалари мавжуд бўлиб, улар педагогика соҳасидаги ўзгаришларни жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганишни талаб этади.

Маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш-фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала ҳисобланиб, у кўп миллатли Ватанимизда туғилиб ўсган, барча халқлар учун бирдай эзгу мақсаддир. Бинобарин, “жисмоний маданият–ҳаракатлар занжири. Қачонки, бу занжир ўзилса, инсон умри ҳам ўзилади” [3,81].

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий-ахлоқий камолотга етишишда ҳам муҳим омидир. У иродани тоблаяди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Республикаимизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Ҳақиқатдан ҳам “Ҳеч бир нарса мамалакатни спорт каби тез дунёга машҳур қила олмайди”. Спорт одамни мард, матонатли, бардошли қилиб тарбиялайди” [4,63].

Мамлакатимизда жисмоний ва маънавий-ахлоқий баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъият билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: “Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз.

Ёш авлодимиз ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этамиз” [5,38].

Ёш авлодни ҳар томонлама: ақлий, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида жисмоний тарбия асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини муваффақиятли ҳал этиш, халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аجدодларимизнинг бизга қолдирган илмий мерослари ва тарихий-тарбиявий тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уларнинг ютуқларини ҳаётга татбиқ этишнинг аҳамияти каттадир.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, жисмоний маданияти, маънавий-ахлоқий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этган. Одоблилик бошқаларнигина эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш деганидир. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало, унинг маънавий-ахлоқий етуклигида, аجدодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-кичikka эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кўзга кўринади.

Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга яхшироқ бўлади. Комил инсон- қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Комил инсон ўз мақсади, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

Юксак маданият эса, таълим-тарбия жараёнида шаклланади, ривож топади ва такомиллашади. Педагогик таълимнинг муҳим босқичларидан бири жисмоний тарбия ҳисобланса, унинг мазмунида хилма-хил машқлар, спорт турлари, саёҳатлар, табиатнинг соғломлаштирувчи (қуёш, сув, ҳаво, гигиеник талаблар) омиллари, ҳаракатли ўйинлар мустаҳкам ўрин эгаллайди. Аввал таъкидлаганидек, инсонларнинг табиий ҳаракатлари махсус жисмоний машқлар ва ўйинлар орқали тарбияланади, уланинг ривожланиши ва такомиллашишига хизмат қилади. Айниқса, жисмоний ҳолатлар инсоний фазилатларни шакллантириш, уларни тобора кенгайтиришда муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Онгилилик, кўриш, эшитиш, ҳис этиш каби туйғуларни ривожлантиришда мазмун ва мақсад жиҳатдан қўллаш учун ўйинлар кўп. Масалан: тунда ой ёруғида “Оқ суяк” ўйинини ёшлар ва катта ёшдаги кишилар аралашиб ўйнашган. Бунда кўз юмук ҳолда узоққа отилган суякнинг ерга тушишини эшитиш, ҳис этиш талаб этилади. Суякни топиб манзилга етказишда тезлик, эпчиллик ва куч зарур бўлади. Чунки суякни рақиблар тортиб олиши мумкин. Шунингдек, “Овчилар”, “Ғозлар”, “Картошка экиш”, турли эстафетали ўйинларда югуриш, йиқилишлар, тўп тушириб қўйиш ва уни ушлаб олиш каби ҳолатлар рақибларининг завқини оширса, жамоа аозоларининг завқини кўзғайди. Томошабинларда хурсандчиликни оширади. “Оқ теракми, кўк терак”, “Ғозлар” каби ўйинлардаги қўшиқ шеърларнинг куйланиши-айтилиши ўйинчиларда нутқни ўстириш, томоқ йўллари чиниқтиришда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ўйинларнинг энг муҳим ва устувор томонлари шундаки, ўйин жойлари маълум чегара билан белгиланади ҳамда ўйин қоидаларига тўлиқ риоя қилишни талаб этилади. Ўйин қоидаларини билиб-билмай бузганларга жарима ёки шартли жазолар берилади.

Ўйинларнинг тартибли, мазмунли ва қизиқарли бўлиб ўтишида, ўқитувчи ва фаол ўқувчиларнинг роли каттадир. Ўйинларнинг ўтишини назорат қилишда ҳакамлар адолатли иш олиб боришади. Кўرғазмали яъни дидактик тамойиллар (принцип) ва усуллар, ҳаракатли ўйинларни ўрганиш, уларни ўтказишда кўп қўлланилади. Майдон ёки ўйин жойларини чизиб кўрсатиш, қоидаларни қўллар билан ифодалаш, ўйинчиларнинг техник ҳаракатларини чизишда ифодалашлар муҳим аҳамиятга эга. Жадваллар, чизмалар, слайд, видео тасвирлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланишда ҳаракатли ўйинларнинг ижроси тўла акс эттирилади. Бу ҳолатларни ўқувчилар изчил ва мукамал эгаллайдилар.

Ўйинларнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини мазмуний жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш уларни ўқувчилар ўртасида ташкил қилишда ана шу мақсадларни белгилаб беради.

Миллий ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарликларини янада яхшилаш, уларнинг жисмоний баркамоллигини ошириш ва бошқа соҳалардаги тадбирларда мазкур муаммоларни кенг тарғибот қилиш зарур бўлади.

Ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашда жисмоний тарбия дарслари билан биргаликда умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида ўтиладиган “Одобнома” фанининг ўрни ҳам каттадир. Ушбу фандан ўтиладиган ҳар бир мавзу ёш авлодни камтарлик, одоблик, хушмуомалалик, меҳр-оқибат, диёнат, орзу-умид, сабр-тоқат, меҳрибонлик, саҳийлик, инсонийлик, бурчга садоқат, меҳнатга муҳаббат каби қадриятларга содиқ қилиб тарбиялайди. Жумладан, ушбу фанда “Шарқона тарбияда муомала маданияти” мавзусини ўтиш жараёнида ўқувчиларга маънавий-ахлоқий тарбия жараёнининг моҳияти, унинг ўзига хос назарий, миллий асослари, мазмуни, шакл ва усуллари, бу борадаги ўзбек этнопедагогикаси маълумотларини етказишда қўл келади. Шунингдек, буюк аждодларимизнинг миллий тарбияга доир асарларини шарҳлаш билан маънавий-ахлоқий тарбияси таркиб топиб борганлиги

ва бу маънавий-ахлоқий тарбия халқ оғзаки ижоди, урф-одатларимиз, кадриятларимиз, анъаналаримиз, тархий ёдгорликлар, тасвирий ҳамда санъат асарлари, алломаларимиз битикларида ўз ифодасини топганлигини ҳам ўқувчилар онгига етказишга ҳаракат қилинади. Ушбу сифатлар жисмоний тарбия дарсларида мазмунан давом эттирилиши юқори самара беради.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашда қуйидаги долзарб вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ:

1. Баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини педагогик муаммо сифатида чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш.
2. Ўқувчиларни жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни ва педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш.
3. Ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашнинг мақбул шакл, метод ва воситаларини аниқлаш.
4. Ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашнинг принцип, қонуниятларини ишлаб чиқиш.
5. Баркамол авлод шахсини шакллантирувчи жисмоний машқларни танлашнинг маънавий-ахлоқий мезонларини яратиш.
6. Ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш.
7. Ўқувчиларда жисмоний тарбия орқали маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг шакл, метод ва воситаларини аниқлаш бўйича илмий-методик тавсиялар яратиш.

#### **References:**

1. Mavlonova R., Raxmonqulova N. Boshlang'ich ta'limni integratsiyalash. O'quv qo'llanma. -T.: "O'qituvchi", 2011.
2. Baxareva L.N. Integratsiya uchebnix zanyatiy v nachalnoy shkole na kravedcheskoy osnove. Nachalnaya shkola. 1991.- №8.-48 s.
3. Mahmudov T. Komillik asrorlari. -oshkent: Adolat,2006.-B. 81.
4. Karimov I.A. Barkamol avlod- O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. - T.: "Sharq" nashriyot-matbaa konsemi,1997.- B. 63
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28 dekabr 2018 yil. – Toshkent: O'zbekiston, 2019. – B.38.